

I. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (*фермер ва деҳқон хўжаликларисиз*) 22 218 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 20 881 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (23,9 фоиз), Қизилтепа (12,6 фоиз), Кармана (15,7 фоиз) ва Хатирчи (12,2 фоиз) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	22 218	100,0	20 881	100,0
Навоий ш.	5 303	23,9	4 780	22,9
Зарафшон ш.	1 718	7,7	1 460	7,0
Конимех	857	3,9	825	4,0
Қизилтепа	2 797	12,6	2 701	12,9
Навбаҳор	2 182	9,8	2 086	10,0
Кармана	3 480	15,7	3 354	16,1
Нурота	1 680	7,5	1 633	7,7
Томди	464	2,1	449	2,2
Учкудук	1 032	4,6	1 005	4,8
Хатирчи	2 705	12,2	2 588	12,4

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (% да)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (34,1 фоиз), саноат (15,9 фоиз), қурилиш (7,6 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,2 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2021 йил 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Жами	22 218	100,0	20 881	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 483	11,2	2 351	11,3
саноат	3 525	15,9	3 275	15,7
қурилиш	1 688	7,6	1 586	7,6
савдо	7 573	34,1	7 162	34,3
ташиш ва сақлаш	676	3,0	639	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 417	6,4	1 299	6,2
ахборот ва алоқа	228	1,0	207	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	300	1,4	293	1,4
бошқа турлари	4 328	19,4	4 069	19,4

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)

11,3 %



Қишлоқ, ўрмон ва
балиқчилик хўжалиги

15,7 %



Саноат

7,6 %



Қурилиш

34,3 %



Савдо

3,1 %



Ташиш ва сақлаш

6,2 %



Яшаш ва овқатланиш
бўйича хизматлар

1,0 %



Ахборот ва алоқа

1,4 %



Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий
хизматлар кўрсатиш


19,4 %



Бошқа турлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 94,0 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 6,0 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонida фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да




2021 йил 1 апрель ҳолатига 18 755 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 948 та, оилавий корхоналар – 3 794 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 9 755 та, акциядорлик жамиятлари – 21 та, унитар корхона – 61 тани ва 176 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, *бирликда*



2021 йил январь-март ойларида жами 1 242 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 99,0 % ни ташкил этади, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (240 та), Кармана (182 та), Хатирчи (141 та), Қизилтепа (124 та), туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (44 та), Конимех (65 та) туманларига тўғри келади.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 34,9 фоиз, саноатда 22,8 фоиз, қурилишда 4,5 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 16,6 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 18 650 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,3 фоизга ошди.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 4 209 таси (жами субъектларнинг 22,6 фоизи) Навоий шаҳри, 3 085 таси (16,5 фоизи) Кармана, 2 472 таси (13,3 фоизи) Қизилтепа, 2 292 таси (12,3 фоизи) Хатирчи ҳамда 1 896 таси (10,2 фоизи) Навбаҳор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 376 таси (2,0 фоизи) Томди, 694 таси (3,7 фоизи) Конимех, 891 таси (4,8 фоизи) Учқудуқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)

	<i>Жами</i>	<i>Фаолият юритмаётган</i>	<i>Фаолият юритмаётган</i>	<i>2021 йил январь-март ойларида янгидан ташкил этилган</i>	<i>2021 йил январь-март ойларида фаолияти тугатилган</i>	<i>1000 кишига тўғри келадиги КБ субъектлари</i>
Жами	19 927	18 650	1 277	1 216	317	19,8
Навоий ш.	4 691	4 209	482	229	53	31,8
Зарафшон ш.	1 566	1 313	253	98	33	18,4
Кармана	3 209	3 085	124	178	42	35,1
Конимех	726	694	32	63	25	26,5
Қизилтепа	2 562	2 472	90	123	19	30,1
Навбаҳор	1 990	1 896	94	131	14	34,8

	<i>Жами</i>	<i>Фаолият юримаётган</i>	<i>Фаолият юримайётган</i>	<i>2021 йил январь-март ойларида янгидан ташиқил этилган</i>	<i>2021 йил январь-март ойларида фаолияти тугатилган</i>	<i>1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари</i>
Нурота	1 469	1 422	47	104	21	23,4
Томди	390	376	14	44	7	45,8
Учкудук	918	891	27	106	26	27,7
Хатирчи	2 406	2 292	114	140	77	22,9

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони

	<i>2020 йил 1 апрель ҳолатига</i>		<i>2021 йил 1 апрель ҳолатига</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	15 770	100,0	18 650	100,0
Навоий ш.	3 629	23,0	4 209	22,6
Зарафшон ш.	1 317	8,4	1 313	7,0
Конимех	532	3,4	694	3,7
Қизилтепа	2 023	12,8	2 472	13,3
Навбахор	1 536	9,7	1 896	10,2
Кармана	2 630	16,7	3 085	16,5
Нурота	1 192	7,6	1 422	7,6
Томди	256	1,6	376	2,0
Учкудук	717	4,5	891	4,8
Хатирчи	1 938	12,3	2 292	12,3

Фаолият кўрсатаётган жами 18 650 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 7 144 таси (38,3 фоизи) – савдода, 3241 таси (17,4 фоизи) - саноатда, 2 307 таси (12,4 фоизи) - қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 1 577 таси (8,5 фоизи) - қурилишда, 1 297 таси (7,0 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 628 таси (3,4 фоизи) - ташиш ва сақлашда, 230 таси (1,2 фоизи) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 202 таси (1,1 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 2 024 таси (10,9 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича, 1 апрель ҳолатига қўра) бирликда**



2021 йил 1 апрель ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сониди фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 16,2 фоизни (253 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сониди 4,7 фоизни (94 та), Нурота 3,3 фоизни (47 та), Учқудуқ 2,9 фоизни (27 та), Конимех 4,4 фоизни (32 та), ва Томди тумани 3,6 фоизни (14 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 317 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан саноат 64 та (20,2 фоизи), савдо 126 та (39,7 фоизи), қурилиш 17 та (5,4 фоизи) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 40 та (12,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитал иштирокидаги корхоналар сони 243 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 тага ёки 10,0 фоизга ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 151 таси қўшма корхоналар, 92 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони (2021 йил 1 апрель ҳолатига)



Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони

	Жами	шундан:	
		Қўшма корхона	Хорижий корхона
Жами	243	151	92
Навоий ш	75	54	21
Зарафшон ш.	18	10	8
Конимех	7	5	2
Қизилтепа	15	10	5
Навбаҳор	9	7	2
Кармана	63	37	26

	<i>Жами</i>	<i>шундан:</i>	
		<i>Қўшма корхона</i>	<i>Хорижий корхона</i>
Нурота	28	16	12
Томди	9	7	2
Учкудук	10	2	8
Хатирчи	9	3	6

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 75 та (30,9 фоиз) ва Кармана 63 та (25,9 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди, Хатирчи, Навбахор туманларида 9 тадан (3,7фоиз), Конимех 7 та (2,9 фоиз), Учкудук 10 та (4,1 фоиз) ва Қизилтепа 15 та (6,2 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	243	100,0
Навоий ш.	75	30,9
Зарафшон ш.	18	7,4
Конимех	7	2,9
Қизилтепа	15	6,2
Навбахор	9	3,7
Кармана	63	25,9
Нурота	28	11,5
Томди	9	3,7
Учкудук	10	4,1
Хатирчи	9	3,7

Фаолият кўрсатаётган 243 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 146 таси (60,1 фоиз)

саноат, 31 таси (12,8 фоиз) савдо, 27 таси (11,1 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 3 таси (1,2 фоиз) ташиш ва сақлаш, 14 таси (5,8 фоиз) қурилишда, 3 таси (1,2 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,4 фоиз) ахборот ва алоқа, 2 таси (0,8 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 16 таси (6,6 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2021 йил 1 апрель ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
Жами	243	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	146	60,1
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	27	11,1
қурилиш	14	5,8
савдо	31	12,8
ташиш ва сақлаш	3	1,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1,2
Ахборот ва алоқа	1	0,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	0,8
бошқа турлари	16	6,6

2021 йил январь-март ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 5 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 тага камайган.

Бунда Тожикистон Республикаси - 1 та, Хитой Халқ Республикаси - 2 та, Эрон Ислом Республикаси – 1 та, Қирғизистон республикаси - 1 та.

5 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (2 та) ва Зарафшон (2 та) шаҳарларида, Нурота (1 та) тумани ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг хуудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	5	100,0
Навой ш.	2	40.0
Зарафшон ш.	2	40.0
Конимех	-	-
Қизилтепа	-	-
Навбахор	-	-
Кармана	-	-
Нурота	1	20.0
Томди	-	-
Учқудук	-	-
Хатирчи	-	-

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 4 та, қурилишда 1 та.

2021 йил 1 апрель ҳолатига 6 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (5 та), Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2021 йил 1 апрель ҳолатига 4 005 тани ташкил этиб, улардан 3 794 таси ёки 94,7 фоиз фаолият юритмоқда.

2021 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 фоизга ёки 593 тага кўпайди.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси,
1 апрель ҳолатига кўра, бирликда**

